

## ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЖРИБАСИ

*Қахрамон Усманович Умидуллаев*

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат  
ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими,  
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*

*E-mail: [umidullaevkahramon@gmail.com](mailto:umidullaevkahramon@gmail.com)*

*Тел: +99890 644-24-64*

**Аннотация:** Ушбу мақолада асосий эътибор ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича Қозоғистон Республикаси тажрибасини ёритиб беришга қаратилган. Баҳолаш борасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда баҳолаш амалиёти таҳлил қилинган. Қозоғистон Республикаси ижро органлари фаолиятини баҳолаш борасидаги ютуқларидан Ўзбекистон Республикаси ижро органлари фаолиятини баҳолаш амалиётида фойдаланиш имкониятлари урганилган. Шунингдек, Қозоғистон Республикаси ижро органлари фаолиятини баҳолаш бўйича олиб борилан илмий тадқиқот ишлари урганиб таҳлил қилинган. Урганишлар натижаларига асосланиб, тегишли хулосалар қилинган ҳамда тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Қозоғистон Республикаси, ижро этувчи ҳокимият органлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, фаолият, самарадорлик, баҳолаш, мезон.

## ОПЫТ РЕСПУБЛИКИ КАЗАХСТАН ПО ОЦЕНКЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ИСПОЛНИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТИ

*Қахрамон Усманович Умидуллаев*

*Старший научный сотрудник Института государства и  
права Академии наук Республики Узбекистан,  
доктор философии по юридическим наукам (PhD)*

*E-mail: [umidullaevkahramon@gmail.com](mailto:umidullaevkahramon@gmail.com)*

*Тел: +99890 644-24-64*

**Аннотация:** Основное внимание в данной статье уделяется освещению опыта Республики Казахстан в области оценки эффективности органов исполнительной власти. Проанализированы нормативные правовые документы по оценке и практика оценки. Изучены возможности использования достижений в области оценки деятельности органов исполнительной власти Республики

Казахстан в практике оценки деятельности органов исполнительной власти Республики Узбекистан. Также он изучил и проанализировал научные исследования, проведенные по оценке деятельности органов исполнительной власти Республики Казахстан. По результатам проведенных исследований были сделаны соответствующие выводы и разработаны предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** Республика Казахстан, органы исполнительной власти, нормативно-правовые документы, деятельность, эффективность, оценка, критерий.

## EXPERIENCE OF THE REPUBLIC OF KAZAKHSTAN IN ASSESSING THE ACTIVITIES OF EXECUTIVE AUTHORITIES

Umidullayev Khahramon Usmanovich –

Senior Researcher of the Institute of State and Law of the  
Academy of Sciences of Uzbekistan, doctor of Philosophy in Law (PhD)

E-mail: [umidullaevkahramon@gmail.com](mailto:umidullaevkahramon@gmail.com)

Тел: +99890 644-24-64

**Resume:** The focus of this article is on highlighting the experience of the Republic of Kazakhstan in the field of evaluating the effectiveness of executive authorities. The normative legal documents on the assessment and the practice of assessment are analyzed. The possibilities of using achievements in the field of assessing the activities of executive authorities of the Republic of Kazakhstan in the practice of assessing the activities of executive authorities of the Republic of Uzbekistan were studied. He also studied and analyzed scientific research conducted to assess the activities of the executive authorities of the Republic of Kazakhstan. Based on the results of the studies, relevant conclusions were made and proposals and recommendations were developed.

**Key words:** Republic of Kazakhstan, executive authorities, normative legal documents, activity, efficiency, evaluation, criterion.

Давлат бошқаруви органлари, хусусан, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими самарали йўлга қўйилган давлатлардан яна бири Қозоғистон Республикасидир. Қозоғистон Республикасида ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини баҳолаш ҳақида биринчи марта 2005 йил 18 февралда Қозоғистон Республикаси Президентининг “Қозоғистон жадал иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий модернизация йўлида” номли халққа мурожаатномасида эълон қилинди. Шу йили Қозоғистон Республикасида Жаҳон банки тадқиқотлари натижаларини ва таклифлари

асосида давлат бошқаруви органлари ва хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолаш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Қозоғистон Республикасида Давлат бошқаруви ислоҳоти “Қозоғистон–2030” Стратегиясида белгиланган узоқ муддатли устувор йўналишлар – “**Асосий функциялар билан чегараланган профессионал Давлат**” – “**Асосий вазифаларга жамланган тежамкор ва профессионал Ҳукумат**” тамойили асосида амалга оширилди. Президент мурожаатномасини амалга ошириш бўйича Миллий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Аммо ўша вақтда давлат бошқарувининг услубий таъминоти етарли эмаслиги давлат органлари фаолиятини баҳолашнинг мақбул ёндашувларини ишлаб чиқишга имкон бермади. Бу дастурларнинг мақсадлари ва кутилаётган натижаларнинг ноаниқ шакллантирилганлиги, уларга эришишнинг аниқ мезонлари ва кўрсаткичлари мавжуд эмаслиги билан ҳам боғлиқ эди. Хусусан, давлат хизматларини кўрсатиш стандартлари мавжуд эмас эди. Уларга мувофиқ баҳолаш мумкин эди. Давлат органлари томонидан фуқароларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва муддатларини қисқартириш, шунингдек, дастлабки босқичда давлат органларида бюрократик тартиб-қоидаларни оптималлаштириш бўйича бир қатор муаммоларни ҳал этиш кўзда тутилган электрон ҳукуматни ривожлантириш лозим эди. Шу соҳада илмий тадқиқотлар олиб борган Г.Сулайманованинг таъкидлашича, бу тахминлар Жаҳон банкининг 2005 йилда чоп этилган “Қозоғистон: давлат сектори иш ҳақи тизимини ислоҳ қилиш”[1] борасида берилган тавсиялари билан ҳам тасдиқланган. Унинг фикрига кўра, Қозоғистон Республикасида баҳолаш тартибини жорий этишнинг даслабки босқичида давлат функцияларини соддалаштириш, давлат хизматлари кўрсатувчи қарорлар сифатини ошириш, бир-бирини такрорлайдиган функцияларни бартараф этишга эътибор қаратилди”[2].

Таҳлиллар натижаларига асосланиб давлат органлари ва хизматчилари фаолиятини баҳолашни босқичма-босқич жорий этиш бўйича таклиф киритилди. Дастлаб, давлат органларида стратегик режалар, аниқ мақсадлар ва уларга эришиш кўрсаткичларини белгилаб, дастурлар ишлаб чиқиб, шундан сўнг давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашни жорий этиш ва уни давлат хизматчиларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизими ҳамда хизмат вазифаси бўйича ўсиш билан боғлашга эътибор қаратилди.

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2007 йил 13 январдаги “Давлат бошқаруви тизимини модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 273-сонли Фармонида стратегик мақсадларга эришиш даражасини, давлат хизматлари сифатини, дастурий ҳужжатларни амалга ошириш натижадорлигини ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда:

- давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- давлат хизматлари сифатини баҳолаш бўйича аҳоли ўртасида мунтазам равишда социологик сўровлар ўтказиш;
- давлат хизматчиларининг касб маҳоратини ошириш ҳамда фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартибини жорий этиш;
- давлат бошқаруви жараёнлари ва тартиб-қоидаларининг сифатини ошириш;
- давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, иш самарадорлиги ва мувофиқликни таъминлаш каби устувор вазифалар белгиланди”[3].

Шунингдек, Фармонда давлат органлари ва ташкилотларининг маъмурий регламентларини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштириш, давлат органлари ва ташкилотларида давлат хизматлари кўрсатиш стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, аҳолига бевосита хизмат кўрсатувчи ташкилотларда давлат хизматларини кўрсатиш стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг функционал таҳлил натижалари бўйича давлат бошқаруви тузилмасини такомиллаштириш, таҳлил натижаларига кўра давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг мақбул сонини таъминлаш, марказий давлат ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини йиллик баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш, давлат органлари фаолиятини стратегик мақсадларга эришиш даражасини ҳисобга олган ҳолда баҳолашнинг рейтинг тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, дастурий ҳужжатлар ижроси самарадорлиги, “электрон ҳукумат” тизимини босқичма-босқич жорий этиш, давлат хизматчиларининг малакасини ошириш бўйича Стратегик режа ишлаб чиқиш, давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, бюджет дастурлари бошқарувчиларига эркинлик бериш, якуний натижаларга эришиш учун уларнинг масъулиятини кучайтириш мақсадида бюджетни режалаштиришни такомиллаштириш, тегишли қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш каби масалалар белгилаб қўйилди. Қозоғистон Республикасида баҳолашнинг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

- белгиланган тармоқ, соҳа ва ҳудудда стратегик мақсад ҳамда вазифаларга эришиш;
- Қозоғистон Республикасининг Президенти, Давлат котиби, Ҳукумати, Президент Администрацияси, Бош вазири девонининг ҳужжатлари ва фармойишларини бажариш;
- бюджетни бошқариш;
- давлат хизматлари кўрсатиш;
- инсон ресурсларини бошқариш;

- баҳолашда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш;
- давлат органлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш.

Баҳолаш бўйича ваколатли давлат органлари Қозоғистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Қозоғистон Республикаси Миллий иқтисодиёт вазирлиги баҳолаш фаолиятини методик мувофиқлаштиради. Давлат органлари фаолиятини баҳолаш бўйича эксперт комиссияси давлат органлари фаолиятини баҳолаш бўйича ваколатли давлат органлари фаолиятини ишчи органи – Қозоғистон Республикаси Президенти Администрациясининг Стратегик тадқиқотлар маркази орқали мувофиқлаштиради. Баҳолаш бўйича якуний натижалар Президент муҳокамасига киритилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, баҳолаш тизимининг асоси бўлган ёндашув Канада МАҒ давлат органлари фаолиятини баҳолаш тизимига асосланади”[4].

Шу соҳада илмий тадқиқотлар олиб борган А.Билимбаеванинг фикрига кўра, баҳолаш натижасида давлат органлари фаолиятининг кучли ва кучсиз томонлари ҳар томонлама қиёсий таҳлил қилинади. Бу эса давлат органлари кўрсаткичларини яхшилаш имкониятини яратади”[5].

Маълумки, давлат бошқаруви органлари ҳар йили ўзларининг режаларини ишлаб чиқади. Амалий тажриба эса ушбу режада белгиланган вазифаларнинг айримлари бажарилмасдан қолиб кетишини кўрсатади. Бу бажарилиши лозим бўлган вазифаларнинг аниқ белгиланмагани ҳамда уларнинг молиявий манбалари аниқ эмаслиги билан боғлиқ. Давлат бошқаруви органлари фаолиятини баҳолаш тизимининг муҳим жihatларидан бири, барча меҳнат ва молиявий ресурсларни мамлакатнинг асосий стратегик режаларини бажаришга қаратишга ҳамда аниқ йўналтирилган режалар ва йўл хариталарини белгилаб олиш ва уларни ижроси самарали бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

Мисол учун, Қозоғистон Республикасида 2010 йилда барча давлат органлари учун мақсадлар сони 3051 бўлган бўлса, 2016 йилда 464 тани ташкил этган. Ҳозирда ҳар бир давлат органи томонидан қўйилган барча мақсадлар “Қозоғистон–2050” стратегияси билан бевосита боғлиқ”[6].

Қозоғистон Республикасида давлат органлари фаолияти баҳолаш борасида илмий тадқиқотлар олиб борган Г.Джунусбекованинг фикрига кўра, Қозоғистон Республикасида давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимининг ривожланишини асосий 3 босқичга бўлиш мумкин.

**Биринчи босқич** – қонунчилик базаси мустаҳкамланди, баҳолаш методологияси ривожлантирилди. Дастлаб, синов тариқасида 3 та давлат органи – 2 та марказий давлат органи ва 1 та маҳаллий ижро этувчи орган баҳоланди.

**Иккинчи босқич** – 2011 йилдан 40 та давлат органи – 24 та марказий давлат органлари ва 16 та маҳаллий ижро органлари баҳоланди. Хорижий экспертлар тавсиялари билан баҳолаш методикаси такомиллаштирилди.

**Учинчи босқич** – 2012 йилдан бошланади. Бу босқичда Қозоғистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 мартдаги “Марказий давлат ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари вилоятлар, республика аҳамиятига эга шаҳар ва пойтахтлар фаолияти самарадорлигини йиллик баҳолаш тўғрисида”ги Фармонига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди ва 39 та давлат органи, шулардан – 23 та марказий давлат органи ва 16 та маҳаллий ижро органи баҳоланди. 2012-2016 йилларда давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини ривожлантириш бўйича беш йиллик Концепция лойиҳаси ишлаб чиқилди”[7, Б.253-257].

Шу соҳада илмий тадқиқотлар олиб борган Н.Н.Кабизханнинг фикрига кўра, “Қозоғистон Республикасида давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими қуйидаги босқичлар билан фарқланади”[8].

**Биринчи босқич** – 2005-2007 йиллар давлат органларини тўлақонли баҳолаш ғоясининг туғилиши. Давлат бошқаруви тизимини модернизациялашни амалга оширишга уриниш билан характерланади ва бу даврда кейинги босқичга асос солинди. 2008-2009 йиллар тайёргарлик босқичи: бу даврда институционал ўзгаришлар натижаларга асосланган давлат режалаштириш тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ эди. Худди шу даврда “электрон ҳукумат”ни шакллантириш ва унинг таркибий қисмларини ишлаб чиқиш яқунланди ва давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш имкониятини таъминлади. 2008-2010 йилларга мўлжалланган “электрон ҳукумат”ни ривожлантириш дастурида биринчи марта ахборот-коммуникация технологияларининг ҳолати ва ривожланиши кўрсаткичлари тизими ҳамда “электрон ҳукумат” самарадорлигини баҳолашни жорий этиш кўзда тутилган эди. Шунингдек, бу босқичда давлат хизматларини кўрсатиш бўйича стандартлар ва низомларнинг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Удан олдин 2007 йилда Давлат хизматлари кўрсатишнинг намунавий низомлари ва намунавий стандарти тасдиқланди. Бу давлат органлари фаолиятининг барча йўналишлари ва тармоқларида давлат хизматларини кўрсатиш бўйича Низом ва стандартларни ишлаб чиқишга замин яратди.

**Иккинчи босқич** – 2010 йилдан ҳозирги кунгача давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашни амалга ошириш ва уни услубий қўллаб-қувватлаш даври бўлди. Хусусан, 2010 йилда Қозоғистон Республикасида турли даражаларда баҳолаш бўйича услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилди. Вилоятлар, республика аҳамиятига молик шаҳарлар, пойтахт Марказий давлат ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг самарадорлигини йиллик баҳолаш тизими тўғрисидаги Фармон имзоланди, баҳолаш субъектлари аниқланди.

Таҳлиллар натижаларига асосланиб айтиш мумкинки, Қозоғистон Республикасида давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашдан

мақсад давлат органларига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш самарадорлигини аниқлашдан иборат. Баҳолашда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилади.

- стратегик мақсад ва вазифаларга эришиш;
- сиёсатчиларнинг кўрсатмаларини бажариш;
- бюджет бошқаруви (бюджетни самарали бошқариш);
- давлат хизматларини кўрсатиш;
- кадрларни бошқариш;
- ахборот технологияларини қўллаш;
- давлат органларининг ҳуқуқий таъминоти;

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 мартдаги 954-сонли Фармонида”[9] баҳолашда иштирок этувчи органлар, мақсадларга эришишни баҳолаш, жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро ҳамкорлик масалалари, давлат органларини ташкилий ривожлантириш, давлат органлари фаолиятини оператив баҳолаш, баҳолаш натижалари юзасидан шикоят қилиш тартиби, баҳолаш иштирокчиларининг жавобгарлиги ҳамда баҳолашнинг амалий, ташкилий жиҳатлари белгилаб берилди. Ушбу Фармонга асосан баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди ва эксперимент тариқасида дастлабки баҳолаш ишлари ташкил этилди. Дастлабки босқичда давлат функцияларини соддалаштириш, бир-бирини такрорлайдиган функцияларни бартараф этишга эътибор қаратилди. 2011 йил “Давлат органлари самарадорлигини баҳолаш маркази”[10] ташкил этилди. Шу йилдан бошлаб давлат бошқаруви органлари ва хизматчиларнинг фаолияти кенг қамровли баҳолана бошланди.

Қозоғистон Республикасида баҳолашнинг дастлабки босқичида давлат органлари фаолияти баҳолаш асосан ички жараёнларга қаратилди. Масалан, стратегик режалаштиришни баҳолашда биринчи навбатда давлат органларининг стратегик режаларини ишлаб чиқиш сифати, мақсадлар ва мақсадли кўрсаткичлар сони, уларнинг бир-бири билан мутаносиблиги ҳисобга олинди. Давлат хизматларини тақдим этиш тартиблари, стандартлари, муддатлари, талаб қилинадиган ҳужжатлар сони ва ҳоказоларга баҳо бериш, давлат хизматлари соҳасини қисқа вақт ичида тартибга солиш имконини яратди.

Г.Джунусбекованинг фикрига кўра, “Қозоғистонда баҳолаш тизимининг асосий ёндашувлари Канада МАҒ баҳолаш тизимига асосланган. Давлат органларида бошқарув усулларини такомиллаштиришга қаратилган. Баҳолаш кўпроқ давлат органи фаолиятининг нормалари, меъёрлари ва талабларига мувофиқлиги самарадорлигига қараганда зиддиятларни аниқлашга йўналтирилган. Баҳолаш давлат идораларида бошқарув усуллари сифатини оширишга қаратилган”[11, Б.253-257].

Қозоғистон давлат бошқаруви органлари ва хизматчилари фаолиятини баҳолаш методикаси хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Халқаро амалиётда қўлланилган бир қатор ёндашувлар Қозоғистон давлат бошқаруви органлари хусусиятларидан келиб чиқиб, уларга мослаштирилган ва баҳолаш усулларига киритилган. Ушбу усулларнинг муҳим жиҳатлари Қозоғистон давлат бошқаруви тизимининг хусусиятлари билан бевосита боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда баҳолаш тизимини маълум даражада ривожлантирган.

Давлат органлари ва хизматчилари фаолиятини баҳолаш жараёнларини ташкил этиш баҳолаш тизими жорий этилган давлатларда маълум маънода бир биридан фарқ қилади. Айнан бир хил услуб, ёндашув ва методика мавжуд эмас. Мисол учун, Қозоғистон Республикасида 2011 йилда Иқтисодий тадқиқотлар институти негизида ташкил этилган давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш Маркази баҳолашнинг барча босқичларида, жумладан, баҳоланаётган давлат органларининг бухгалтерия ҳисоби маълумотларини таҳлил қилиш, хулосалар тайёрланишини мониторинг қилиш, такрорий текшириш босқичлари ва мурожаатларни қабул қилишда фаол иштирок этади. Хусусан, йиллик баҳолаш тизимида давлат органлари фаолиятни баҳолаш учун қуйидаги ахборот манбалари тақдим этилади.

1) Давлат органларининг ҳисобот даврида амалга оширилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботлари.

2) Қозоғистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда баҳолашга ваколатли давлат органлари томонидан ўтказилган текшириш натижалари.

3) Қозоғистон Республикаси Президентининг, Қозоғистон Республикаси Давлат котибининг, Қозоғистон Республикаси Президенти Администрациясининг ҳужжатлари ва фармойишларининг бажарилишини назорат қилиш натижалари.

4) Бош вазир девони томонидан Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг ҳужжатлари ва фармойишлари, Бош вазир девони раҳбари ҳужжатларининг ижросини назорат қилиш натижалари.

5) Давлат органларининг назорат ҳужжатлари.

6) Расмий статистик маълумотлар.

7) Мустақил экспертларнинг хулосаси.

8) Фаолиятни баҳолашнинг маълум бир соҳасидаги социологик тадқиқотлар натижалари.

9) Фаолиятни умумий баҳолашни тайёрлаш жараёнида нодавлат ноижорат ташкилотлари (ННТ) маълумотлари.



Ахборот манбаларининг катта рўйхатига қарамай, “ҳозирги вақтда давлат органлари фаолияти тўғрисида мустақил манбалардан олинган маълумотлар етишмайди. Давлат органлари фаолиятини баҳолашда иштирок этиш учун мустақил экспертлар ва нодавлат нотижорат ташкилотларини аккредитациядан ўтказишнинг тартиб-таомиллари мавжуд эмаслиги, баҳолаш жараёнида уларнинг иштирокини таъминлашнинг ўзига хос услубий асослари йўқлиги сабабли объектив ахборот манбаи етишмайди”[12].

Тизим жорий этилган бошқа давлатларда бўлгани каби Қозоғистон Республикасида ҳам ижро этувчи ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда ҳамда мавжудлари такомиллаштирилмоқда. Хусусан, баҳолаш мезонларининг сони, тури, шунингдек баҳолаш методикаси вазият талабига асосан ўзгариб боради. Бунда айрим соҳаларни баҳолашга қаратилган мезонлардан кўзланган мақсадларга эришиб бўлингани сабабли баъзи мезонлар рўйхатидан чиқарилса, айти вақтга келиб баҳолаш муҳим бўлган ёки бирор янги соҳани баҳолаш рўйхатига киритиш йўли билан ўзгариб боради.

Мисол учун, Қозоғистон Республикасида 2015 йилда “Давлат органларини ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш”, “Мамлакат раҳбариятининг ҳужжатлари ва кўрсатмаларини бажариш” ва бошқа мезонлар белгиланган кўрсаткичларга эришилганлиги сабабли баҳолашдан олиб ташланди ва йўналишларнинг сони бештага қисқартирилди. Шунингдек, юқорида айтилгани каби, баҳолаш методикаси ҳам ўзгариб туриши мумкин. Муҳими баҳолаш мезонлари ҳам баҳолаш методикаси ҳам ривожланиб такомиллашиб боради.

Масалан, Қозоғистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 30 декабрдаги 706-сонли ҳамда Миллий иқтисодиёт вазирлигининг 2016 йил 30 декабрдаги 540-сонли “Ташкилий ривожланиш самарадорлигини баҳолаш методикасини тасдиқлаш тўғрисидаги қўшма буйруғи” қабул қилинган. Ушбу буйруққа Қозоғистон Республикаси Миллий иқтисодиёт вазирлигининг 2019 йил 16 январдаги 7-сонли ҳамда Молия вазирлигининг 2019 йил 16 январдаги 22-сонли қўшма буйруғи[13] билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган. Ташкилий ривожланиш самарадорлигини баҳолаш методикаси тўғрисидаги ушбу ҳужжат Қозоғистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 мартдаги 954-сонли Фармони ижросини таъминлашга қаратилган.

Ҳужжатда давлат бошқаруви органлари фаолиятини баҳолаш тартиби, баҳолашга ваколатли бўлган давлат органлари, баҳолаш йўналишлари, баҳоланиши лозим бўлган давлат органлари, баҳоланган давлат органлари ўзларининг тўплаган баллари юзасидан қилган шикоятларини кўриб чиқиш тартиби ва баҳолаш жараёнида талаб этиладиган бошқа ҳолатларни тартибга солишга қаратилган методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Қозоғистон Республикасида давлат бошқаруви органлари фаолиятини баҳолаш қуйидаги бешта босқичларда амалга оширилади.

**Биринчи босқич** – маълумотларни йиғиш: Бу босқичда баҳолашга масъул бўлган давлат органлари томонидан ҳисобот ва маълумотлар йиғиб олинади.

**Иккинчи босқич** – давлат органлари бўйича баҳолаш: Бу босқичда баҳоловчи давлат органлари йўналишлар бўйича ҳар бир давлат органлари фаолиятини яқуний баҳолашни ташкил этади.

**Учинчи босқич** – юбориш ва шикоятлар: Бу босқичда баҳолаш яқунлари бўйича маълумотлар тегишли давлат органларига юборилади. Уларнинг олган баллари юзасидан қилган норозилик шикоятлари ўрганилади.

**Тўртинчи босқич** – бўлимлар бўйича эксперт хулосаси: Бу босқичда Президент администрацияси натижаларни жамлаб, блоклар бўйича эксперт хулосалари ташкил қилади. Натижаларни баҳолаш комиссияси кўриб чиқади.

**Бешинчи босқич** – баҳолаш натижалари тасдиқланади: Бу босқичда баҳолаш натижалари кўриб чиқиш учун давлат раҳбарига киритилади. Натижалар жамоатчилик учун нашр қилинади.

Қозоғистон Республикасида давлат органларининг фаолияти баҳолаш “Ташкилий ривожланиш”, “Фуқаролар билан ўзаро муносабатлар” ва “Мақсадларга эришиш” деб номланадиган учта йўналишларда ўтказилади.

**Биринчи** “Ташкилий ривожланиш” бўлими давлат органларининг ташкилот сифатида самарадорлигини ошириш борасида ички жараёнларни рағбатлантиришга йўналтирилган. Ушбу йўналишда давлат органларининг инфор­мацион технологиялардан фойдаланиши ва ходимларни бошқариш сифати баҳоланади.

**Иккинчи** “Фуқаролар билан ўзаро муносабатлар” бўлимида учта муҳим йўналиш: давлат органлари томонидан аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифати, шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш ҳамда уларнинг фаолиятида очиклик нуқтаи назаридан баҳолайди.

**Учинчи** “Мақсадларга эришиш” бўлими вазирликларнинг стратегик режалари ва ҳудудий ривожланиш дастурларида белгиланган йиллик кўрсаткичларга эришиш даражаси, шунингдек стратегик мақсадларга эришиш учун бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлил қилинади”[14].

Қозоғистон Республикасида йиллик баҳолашда деярли барча марказий давлат ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари қамраб олинган. Аммо баҳоланмайдиган давлат органлари ҳам мавжуд. Мисол учун, Республика бюджети ижросини назорат қилувчи Ҳисоб қўмитаси (ва бош) баҳоланмайди.

Маълумки, Қозоғистон Республикасида “100 қадам” деб номланган Давлат режаси қабул қилинган. Ушбу режанинг 93 босқичини амалга ошириш давомида давлат аппарати фаолиятини баҳолашнинг янги тизимини амалга ошириш

доирасида давлат органлари фаолиятини баҳолашнинг янги модели ишлаб чиқилди. Янги модел ички жараёнларни баҳолашга эмас, балки кўпроқ натижаларни баҳолашга ва давлат бошқарувининг асосий ислохотларини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Масалан, давлат идораларининг асосий йўналишлари бўйича ташқи экспертлар сўрови жорий этилди. Ҳар йили аҳолининг давлат хизматларидан қониқиш даражаси ўлчанади. Бу эса ишнинг ҳақиқий самарасини ўлчашга имкон беради. Қозоғистон Республикасида ижро этувчи ҳокимият органлари ва давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш тизимини такомиллаштириш мақсадида ижтимоий суровлар ўтказиб турилади.

Хусусан, давлат бошқаруви органлари ва хизматчилари фаолиятини баҳолаш борасида давлат хизматчилари ўртасида ижтимоий сўров ўтказган тадқиқотчи Н.Кабижаннинг фикрига кўра, “Давлат хизматчилари давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш жараёнига ижобий муносабатда. Респондентларнинг 75 фоиздан ортиғи “Давлат органлари ва давлат хизматчилари фаолиятини баҳолашнинг жорий этилиши ижобий жараён деган фикрга қўшилади. Шунга қарамай, респондентларнинг 13 фоизи жараёнга қарши, 6 фоиздан ортиғи бу масала бўйича бир қарорга келмаган”[15].

Таҳлилчилар йиллик баҳолаш тизимини жорий этишнинг қуйидаги ижобий натижаларини таъкидлайдилар.

– Миллий баҳолаш моделининг “ёш”лигига қарамай, у аллақачон ўзини самарали эканлигини кўрсатган.

– Давлат органлари фаолиятининг энг муҳим йўналишларини камраб олувчи давлат баҳолаш функциясини шакллантиришнинг танланган йўли тўғрилигини хорижий экспертлар ҳам тасдиқлади. Улар ривожланишнинг дастлабки босқичларида жорий баҳолаш моделининг халқаро стандартларга мувофиқлигини тан олдилар;

– 2012 йил якунлари бўйича давлат органлари фаолиятининг 65 фоизи ўртача самарали (2010 йилда – 7,5 фоиз, 2011 йилда – 23 фоиз), давлат органлари фаолиятининг 35 фоизи самарасиз деб баҳоланди. (2010 йилда – 90%, 2011 йилда – 77%,.);

– мамлакат раҳбариятининг лозим даражада бажарилмаган ҳужжатлари сони 1,5 баробар қисқарди;

– давлат органлари фаолиятининг стратегик режалаштириш билан камраб олиниши 69 фоиздан 89 фоизга ўсди;

– электрон ҳужжатларнинг қоғоз нусхалари бўйича такрорланиши 9 баробарга камайди;

2017 йилда самарадорликни баҳолаш тизимини ўзгартириш, баҳолаш тизимини янада ривожлантириш бешта институционал ислохот режасини бажариш шароитида амалга оширилади”[16].

2017 йилдан Қозоғистон Республикасида йилига икки марта ҳудуд раҳбарлари яъни ҳокимлар (аким) фаолияти самарадорлиги эксперт сўровларига асосланган ҳолда ҳам рейтинг баҳоланади. Бунда биринчи ярим йиллик январь-июнь ойлари, иккинчи ярим йиллик июль-декабрь ойлари баҳолаш даври қилиб белгиланган. Вилоятлар ва республика аҳамиятидаги шаҳарлар ҳокимлари фаолияти самарадорлиги қуйидаги 5 та мезонлар бўйича баҳоланади.

1. Ҳудуднинг иқтисодий ҳолати.
2. Аҳолининг ҳоким фаолиятидан қониқиш даражаси.
3. Ички сиёсий бошқарув ҳолати.
4. Маълумотларнинг очиқлиги.
5. Ҳокимнинг сиёсатчи сифатидаги ютуқлари.

Баҳолаш максимал 7 баллик баҳолаш тартибида олиб борилади. Ушбу мезонлар бўйича ҳудуд раҳбарлари томонидан тўпланган балл ҳам оммавий ахборот воситалари орқали расман эълон қилиб борилади. Уларнинг фаолияти юзасидан олган балларига қараб ҳар бир йўналиш бўйича эксперт хулосалари тайёрланади. Тайёрланган эксперт хулосалари ҳам эълон қилинади. Шунингдек, эксперт хулосалари натижалари жадвал, диаграмма ва бошқа қулай кўринишларда жамоатчилик учун ҳам оммавий эълон қилиб борилади.

Г.Сулеимонова ҳамда Е.Капогузовларнинг фикрига кўра, “Қозоғистон Республикасида баҳолаш асосан топшириқларни бажаришга ва ходимларни бошқаришга қаратилади. Йиллик баҳолашнинг мавжуд тизими кўпроқ давлат органлари фаолияти натижаларини тартибга солиш назорати воситаси бўлиб, уни амалга ошириш учун баҳолаш бўйича ваколатли давлат органлари жавобгар ҳисобланади.

Уларнинг таъкидлашича Қозоғистон Республикасида мавжуд баҳолаш тизимини такомиллаштириш йўналишлари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин. “Баҳолаш самарадорлигини оширишнинг долзарб муаммоларидан бири давлат органлари фаолиятида институционал ўзгаришлар қилиш орқали самарадорликнинг камайиши сабабларини бартараф этиш бўйича чоратадбирлар устидан назорат мавжуд эмас. Марказий давлат органларида ички баҳолаш тизимидаги камчиликларини бартараф этиш билан боғлиқ муносабатларни ҳисобга олган ҳолда, якуний натижаларга эришиш сезиларли даражада модернизациялашни талаб этмоқда. Қозоғистон Республикасида давлат органлари фаолиятини баҳолаш тизими амалиётини муваффақиятли хорижий тажрибага мослаштириш ва баҳолаш субъектининг расмий мустақиллигини таъминлаш борасида амалий ишлар қилинаётган бўлса-да,

белгиланган мақсадларга эришишда баҳолаш тизими мураккаб эканлигини кўрсатади. Баҳолаш тизимини такомиллаштириш кўшимча тадқиқотларни талаб қилади”[17].

Д.Кулумбетованинг фикрига кўра, “Қозоғистонда фаолиятни баҳолаш тизимини ривожлантиришда давлат органлари фаолиятини баҳолаш маркази асосий роль ўйнайди. Унинг асосий вазифаси баҳоланган давлат органларининг ҳисобот маълумотларини таҳлил ва мониторинг қилиш ҳамда хулосалар тайёрлаш, апелляция тартибларини таҳлил қилиш ҳамда энг яхши халқаро амалиётларни ўрганиш асосида баҳолаш тизимининг услубий базасини такомиллаштиришдан иборат”[18, Б.42].

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Қозоғистон Республикаси давлат органлари ва хизматчилари фаолиятини баҳолаш тизимининг асосий ёндашувлари Канада баҳолаш тизимига асосланган бўлиб, унда асосий эътибор давлат органларида бошқарув амалиёти сифатини оширишга, давлат органлари фаолиятида белгиланган меъёрлар, стандартлар ва талаблар билан мувофиқлигини аниқлашга қаратилган. Шунингдек, Қозоғистон Республикасининг баҳолаш тизимида бошқа ривожланган давлатлар тажрибаси ҳам мавжуд бўлиб, ушбу тажрибалар бошқарув шакли ҳамда давлат бошқаруви органлари фаолиятига мослаштирилган, давлат бошқаруви тизимга мос равишда такомиллаштирилган. Баҳолаш тизими самарадорлигини ошириш, давлат органларида фаолиятини ташкил этиш жараёнларига мезон ва кўрсаткичларнинг йўналтирилганлик даражасини оширишга қаратилган.

Илмий изланишлар натижаларига асосланиб айтиш мумкинки, Қозоғистон Республикаси давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

- баҳолаш тизими ва механизмларининг бир-бири билан узвий боғлиқлигини таъминлаш давлат органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган ягона механизм сифатида ишлашига эришиш;
- баҳоланаётган ва баҳолашга ваколатли давлат органлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви юз бериши ҳолатларини олдини олиш;
- баҳолашда фуқаролар, жамоат ташкилотлари, хизмат олувчиларнинг ахборот манбаидан тўлиқ фойдаланишини таъминлаш;
- давлат органлари ва хизматчилари фаолиятини баҳолашнинг очиқлиги ва мустақиллигини янада ошириш;
- давлат органлари ва хизматчилари фаолияти самарадорлигини таъминлашнинг устувор йўналишларини белгилашда баҳолаш натижаларини халқ муносабатлари асосида ўзгартиш мумкин бўлган тартиб яратишга эътибор қаратиш лозим. Ушбу тавсиялар баҳолаш тизимини янада такомиллаштиришга баҳолашдан кўзланан мақсадларга эришишга хизмат қилади.

Умуман олганда Қозоғистон Республикасида баҳолаш тизими жорий этилгани натижасида самарасиз давлат органлари улуши камайган, стратегик режалаштириш сифати яхшиланган, ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш кўлами кенгайган, ижро интизоми яхшиланган, давлат хизматлари сифати ошган ҳамда бюджет харажатларининг аниқлиги таъминланган.

#### Файдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати:

1. World Bank (2005). Kazakhstan: Reforming the public sector wage system. Policy paper. 2005, April 14:1-35.
2. Сулеимонова Г, Капогузов Е. Performance Evaluation System Of Government Agencies In The Republic Of Kazakhstan: Modern Conditions And Prospects Of Development // Conference Paper · May 2017
3. О мерах по модернизации системы государственного управления Республики Казахстан: от 13 января 2007 года № 273. [https://adilet.zan.kz/rus/docs/U070000273\\_](https://adilet.zan.kz/rus/docs/U070000273_)
4. EIPA (2013). The Common Assessment Framework (CAF). Available: <http://www.eipa.eu/CAF> Government of Canada (2017).
5. Билимбаева А. Оценки управления персоналом. <http://www.bagalau.kz/ru/med/pub/i105>
6. Система оценки – это комплекс мероприятий, направленный на сбор информации об эффективности госоргана и факторах, влияющих на нее. Центр оценки эффективности деятельности государственных органов. <http://www.bagalau.kz/about/evolution/>
7. Джунусбекова Г. Совершенствование системы оценки эффективности деятельности государственных органов в Республике Казахстан. – Казахстан. 2015. – С. 253-257.
8. Kabizhan, N.N. (2014), “Improving methods and tools for evaluation the activity of a public authority”, The thesis for the degree of Doctor of profile 6D051000 – “State and local management” (in manuscript), Astana, Kazakhstan.
9. [http://adilet.zan.kz/rus/docs/U100000954\\_](http://adilet.zan.kz/rus/docs/U100000954_)
10. <https://zakon.uchet.kz/>
11. Джунусбекова Г. Совершенствование системы оценки эффективности деятельности государственных органов в Республике Казахстан. – Казахстан. 2015. – С. 253-257.
12. Указ Президента Республики Казахстан О Системе ежегодной оценки эффективности деятельности центральных государственных и местных исполнительных органов областей, города республиканского значения, столицы: от 19 марта 2010 года № 954.
13. [https://online.zakon.kz/document/?doc\\_id=38819519&show\\_di=1#pos=0;0](https://online.zakon.kz/document/?doc_id=38819519&show_di=1#pos=0;0)
14. <https://www.bagalau.kz/faq>
15. Кабижан Н. Совершенствование методов и инструментов оценки деятельности государственного органа. 6D051000 – Государственное и местное управление. Диссертация на соискание ученой степени доктора по профилю. Астана, 2014
16. At the same time, analysts highlighted the following positive results from the implementation of the annual evaluation system (Сборник, 2011, 2012, 2013):
17. Сулеимонова Г., Капогузов Е. Performance Evaluation System Of Government Agencies In The Republic Of Kazakhstan: Modern Conditions And Prospects Of Development // Conference Paper May 2017
18. Кулумбетова Д. Система оценки эффективности деятельности государственных органов в Республике Казахстан. Астана: Министерство нац. экономики Респ. Казахстан, 2017. 42 с.